

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАБУЛОВ ҚОСИМБОЙ ПИРЖОНОВИЧ

**МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИ УЙГУНЛАШТИРИШДА
ТОЛЕРАНТЛИК**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contens of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Қабулов Қосимбой Пиржонович

Миллий манфаатларни уйғунлаштиришда толерантлик.....5

Қабулов Қосимбой Пиржонович

Толерантность в гармонизации национальных интересов.....21

Kabulov Kosimboy Pirjonovich

Tolerance in the harmonization of national interests39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАБУЛОВ ҚОСИМБОЙ ПИРЖОНОВИЧ

**МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИ УЙГУНЛАШТИРИШДА
ТОЛЕРАНТЛИК**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fal.110 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хажиева Мақсуда Султановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафарова Нигора Олимовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Норқулов Дўсмурод Тошпўлатович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.:(0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(20__ йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.О.Тураев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

А.Р.Самадов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Ш.С.Кушаков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида: глобаллашув, интеграциялашув, ахборотлашув ва универсаллашув жараёнларининг жадаллашуви, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий муносабатларга ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, уларнинг миллий эҳтиёжлар ва манфаатлар билан боғлиқ мазмунини, кадрият мўлжалларини, парадигмаларини тубдан ўзгартириб юборди. Бу ўзгаришлар умуминсоний манфаатларни таъминлашнинг ижобий тажрибаларини умумлаштириш асосида миллий манфаатларни умуминсоний манфаатлар билан уйғунлаштириш ҳамда бу жараённи янги босқичга олиб чиқишни долзарб муаммо сифатида кун тартибига қўймоқда.

Жаҳон илм-фани тараққиётида миллий манфаатларни умуминсоний манфаатлар билан уйғунлаштиришда толерантлик тамойилига таяниш масаласи ижтимоий фанларнинг муҳим прагматистик муаммоси сифатида тадқиқ этилмоқда. Толерантлик тамойили ўзаро ишонч, муроса, конвенционализм сингари эпистимологик тамойиллар билан бир қаторда ижтимоий фанлар контекстида фаол тадқиқ этилмоқда ва уни ҳозирги замон илмий билиш методлари асосида тадқиқ этиш – ижтимоий-сиёсий, гуманитар фанларнинг объекти ва предмети доирасини янада кенг ривожлантириш имкониятларини белгилаб бермоқда. Зеро, бугунги кунда глобал барқарор ривожланишнинг объектив эҳтиёжи ва тарихий зарурати миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, уларнинг илмий асосларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир миллат ва элат манфаатларини ҳимоя қилишнинг объектив шарт-шароитлари, субъектив омиллари тизимини ривожлантиришнинг қонуний-ҳуқуқий асослари яратилган. Мамлакат тараққиётининг янги босқичида миллий манфаатларни умуминсоний манфаатлар билан уйғунлаштириш, фуқаролараро, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлаш – минтақавий тинчлик ва глобал барқарор тараққиёт шarti¹ сифатида кўрсатилмоқда, миллий манфаатларни уйғунлаштиришнинг янги имкониятларини топиш ва ҳаётга татбиқ қилишда толерантлик тамойилларига таяниш муҳим назарий, методологик ва амалий аҳамиятга эга вазифадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 февралдаги 47-сон “Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. - Тошкент: Адолат,2017.

тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» номли йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ижтимоий ҳодиса сифатида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва уйғунлаштириш масалалари, айниқса, кўпмиллатли жамиятларда ўзаро мурося ва толерантлик тамойилларини қарор топтириш муаммоларини тадқиқ қилиш жаҳон илмий жамоатчилиги эътиборини кўпдан жалб этиб келади.

Муаммонинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари ғарб олимларидан Р.Арон, В.Бровн, Э.Р.Бетти, З.Мубинова, ўзбек олимларидан Ф.Абдурахмонов, А.Мухторов, М.С.Хажиева, З.Р.Қодировлар томонидан тадқиқ қилинган.

Ғарб олими Ж.Грей, МДХ давлатларидан М.Б.Хомяков, П.А.Цыганков, ўзбек олимларидан О.Ата-Мирзаев, Р.Муртазаева, С.Отамуратов, А.С.Очилдиевлар масалани сиёсий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилганлар.

С.Мендус, Д.Андерхилл, С.Барретт, С.Акобиров, Т.Жўраев, Б.Каримов, Х.Умаров миллий манфаатларни уйғунлаштиришнинг ҳуқуқий ва миллий хавфсизликка доир жиҳатларини очиб беришган¹.

Аммо, бу асарларда миллий манфаатлар ва толерантлик феноменининг ўзаро корреляцион алоқадорлиги, сўнгги йилларда жаҳонда ва юртимизда рўй бераётган жараёнлар махсус ўрганилмаган. Шу боис мазкур тадқиқот ишида “миллий манфаат” категориясининг ижтимоий-фалсафий мазмуни ва моҳияти, намоён бўлиш шакллари, миллий манфаатларни уйғунлаштиришда толерантлик тамойили ролини ошириш усул ва воситалари ижтимоий-фалсафий йўналишда таҳлил қилинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишларининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган “Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миллий манфаатларни умуминсоний манфаатлар билан уйғунлаштиришда толерантликнинг конструктив ролини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

¹Каримов Б.Р. Миллат, инсон ва тил: Тараққиёт муаммолари. – Қарши: Насаф, 2003. –132 б., Очилдиев А.С. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. –Тошкент: Ўзбекистон, 2004.-134 б., Жураев Т., Акобиров С. Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизлик. – Т.: Академия. 2007. – Б. 39., Отамуратов С. Глобализм ва миллат. (Сиёсий-фалсафий таҳлил) –Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. –201 б., Қодирова З.Р., Шарипов А.Ж., Алимасов В.А., Каримова Э.Г. Толерантлик маданияти – давр тақозоси // –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2008., Хажиева М.С. Миллий онгда толерантликни шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили. Фалсафа фанлари доктори илмий даражаси учун ёзилган диссертация –Т. 2011.–Б.325.

глобаллашув шароитида толерантликнинг миллий манфаатлар идентификацияси, интеграцияси ва дифференциациясига таъсир доирасини аниқлаш;

Ўзбекистонда миллий манфаатларни уйғунлаштиришда толерантлик, муроса, халқаро ҳамкорлик ва ижтимоий шерикчилик тамойиллари ролини аниқлаш;

юртимизда миллий манфаатлар шаклланиши ва ривожланиши қонуниятларининг бозор муносабатларига ўтиш давридаги хусусиятларини ёритиб бериш;

миллий манфаатларни ҳимоя қилишда давлат миллий сиёсатининг қонуний-ҳуқуқий асосларини, демократик ва гуманистик моҳиятини таҳлил қилиш;

глобаллашув шароитида мамлакатимизда миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш имкониятларини кўрсатиб бериш;

халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатларда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини муҳофаза қилишнинг сиёсий механизмларини, институционал тизимини такомиллаштириш йўлларини аниқлаш;

глобал хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашда толерантликнинг миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш имкониятларини кўрсатиш;

миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришда толерантлик тамойилининг ролини оширишга доир амалий тақиқлар, методологик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини миллий ва умуминсоний манфаатларини уйғунлаштиришда толерантлик тамойилининг фалсафий хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети миллий ва умуминсоний манфаатлар уйғунлашувида толерантликнинг ролини ижтимоий фанлар контекстида таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, таққослаш ва умумлаштириш, абстрактлаштириш, конкретлаштириш, синергетик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

толерантлик феноменининг конструктив моҳияти, ижтимоий онгда намоён бўлувчи бағрикенглик хусусиятлари, миллий манфаатларни мувофиқлаштирувчи, бирлаштирувчи, муросага келтирувчи, барқарорлаштирувчи функциялари очиб берилган;

умуминсоний манфаатлар билан миллий манфаатларни уйғунлаштириш ҳамда бу жараёни толерантликка асосланган миллий манфаатлар идентификацияси, интеграцияси ва дифференциациясига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллари, тамойиллари илмий-назарий асосланган;

миллий манфаатларни уйғунлаштиришда этноэгоцентризм, этноэгоизм каби салбий ҳодисаларни бартараф қилишнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатлари ёритиб берилган ҳамда миллий ва умуминсоний

манфаатларни уйғунлаштиришнинг мураса, халқаро ҳамкорлик, ижтимоий шериклик каби тамойилларининг система ясовчанлик хусусиятлари аниқланган;

глобал хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашда толерантликнинг миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш, таъсирини ошириш имкониятлари кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат: Диссертация хулосалари, таклиф ва тавсиялари миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга, миллий манфаатларни минтақавий ва умуминсоний манфаатлар билан уйғунлаштиришга хизмат қилиши аниқланган;

унинг натижалари асосида давлат органлари, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари томонидан турли дастурлар ишлаб чиқилди, шунингдек янги социологик тадқиқотлар ва фалсафий изланишлар учун йўналишлар белгиланди;

толерантликнинг миллатлараро ва конфессиялараро барқарорликни таъминлашдаги конструктив хусусиятларини акс эттирувчи хулосаларидан услубий қўлланмалар тайёрлаб, олий ўқув юртлари учун махсус ўқув курслари учун маърузалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Миллий манфаат, толерантлик, миллатлараро тотувликка доир Президент фармонлари, қарорларига, мутасадди ташкилотларнинг архив материалларига, тарихий, назарий манбаларга таянилиши, хорижий ва юртимиздаги олимларнинг тадқиқотларига асосланиши, толерантликни шакллантирувчи давлат органлари, миллий-маданий марказларнинг бу соҳада эришган тажрибаларини умумлаштириши, амалиётга жорий этилган таклиф ва тавсиялар тўғрисида тегишли ташкилотлардан хулосалар олинishi билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий аҳамияти унда миллий манфаатлар, толерантлик ҳодисалари парадигмаларидаги ўзгаришлар ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан тадқиқ этилган, уларнинг ривожланиш тенденциялари аниқланган ва истиқболи прогнозлаштирилган, моделлаштиришга оид концептуал назария илмий хулосалар билан бойитилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унда миллий манфаатларни умуминсоний манфаатлар билан ҳамда турли миллатлар орасидаги муносабатларни толерантлик асосида ўзаро уйғунлаштириш ва ривожлантиришга масъул давлат органлари, жамоатчилик ташкилотлари фаолиятида қўлланилган, шу соҳага доир ҳуқуқий ҳужжатлар, дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда миллий манфаатларни уйғунлаштиришда толерантликнинг ролини тадқиқ қилиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

умуминсоний манфаатлар билан миллий манфаатларни уйғунлаштириш ҳамда бу жараёни янги босқичга олиб чиқишнинг толерантликка асосланган миллий манфаатлар идентификацияси, интеграцияси ва дифференциациясига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар ҳамда асосий тамойиллар илмий ва

амалий жиҳатдан тавсифлаб берилган илмий янгилигидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги маданий-маърифий муассасалари ва номоддий миллий меросни ривожлантириш шўъбаси томонидан “Мустақиллик йилларида ўзбек халқининг бой миллий анъаналари, номоддий маданий мерос, миллий ўзликни англашда жамиятимизда тарихан шаклланган ижтимоий кадриятларнинг ўрни”га доир услубий кўрсатмалар тайёрлашда фойдаланилмоқда (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 29 мартдаги 01-11-09-2109- сонли маълумотномаси). Бу маданият вазирлигининг халқларнинг миллий кадриятларини асраб-авайлаш, миллий онг ва миллий ўзликни англашни ривожлантириш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатди;

манфаатларни уйғунлаштиришда этноэгоцентризм, этноэгоизм ходисаларини бартараф қилишнинг назарий-методологик асослари такомиллаштирилганлиги ҳақидаги илмий янгилигидан Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг 2016 йилга мўлжалланган режасида кўрсатилган “Марказнинг илмий-амалий тадқиқот ишлари” V бўлимининг 83-“Аҳоли ўртасида ватанга садоқат, миллий ўзликни англаш, дахлдорлик фазилатларини, мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантириш, халқаро терроризм, диний экстремизм, радикализм, “оммавий маданият”, собиқ шўро даврига қайтиш каби иллатларга қарши тарғибот самарасини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш” бандини режага киритиш ҳамда унинг ижросида фойдаланилди (Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг 2017 йил 18 июлдаги 261/1- сонли маълумотномаси). Бу турли миллат вакиллари орасида тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатди;

шунингдек, диссертация хулосаларидан Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг 2017 йилда № ЁА-1-007-шифрли “Радикал мафкураларнинг ёшлар тарбиясига салбий таъсири ва унинг олдини олиш усуллари” мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида тайёрланган монографияни ёритишда фойдаланилди (Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг 2017 йил 18 июлдаги 261/1- сонли маълумотномаси). Бу монография сифатининг мазмундор бўлишига таъсир қилди;

глобаллашувнинг миллий манфаатлар идентификацияси ва интеграцияси ҳамда Миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришнинг глобал хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш имкониятларини ҳаётга татбиқ қилиш усул ва воситаларини такомиллаштиришга доир методологик тавсиялар, амалий таклифлардан Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг 2017 йилга мўлжалланган режасининг VI бўлим “Партиянинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий, ташкилий, аёллар ва ёшлар соҳаларидаги вазифалари доирасидаги амалий ва тарғибот-ташвиқот фаолияти” 6.18. “Партия кадрлари ва мафкуравий ғоявий сиёсатининг янги ёндашувлари ва долзарб вазифалари” бандида кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилди (Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг 2017 йил 3 октябрдаги 01-548-

сонли маълумотномаси). Бу партиянинг кадрлар билан ишлаш сиёсатига янгича ёндашув жараёнига ижобий таъсир кўрсатган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола (10 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати асосланган, тадқиқот мақсади, вазифалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда унинг хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг “**Глобаллашув жараёнининг манфаатлар идентификацияси, интеграцияси ва дифференциациясига таъсири**” деб номланган биринчи бобида глобаллашув шароитида миллий манфаатлар устуворлигини таъминлашнинг назарий-методологик масалалари ва Ўзбекистоннинг глобал муаммолар ечимидан манфаатдорлиги: толерантлик, муроса, халқаро ҳамкорлик ва ижтимоий шерикчилик тамойиллари, парадигмаларидаги ўзгаришларнинг тарихий замон, ижтимоий макон хусусиятлари, унинг ҳаракатлантирувчи мотивлари, механизмлари ва динамик ривожланиш қонуниятлари фалсафа категориялари контекстида ёритиб берилган.

Ҳозирги даврда миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш муаммоси глобаллашуви, Марказий Осиё давлатларида ҳам ўзига хос ечимини топиш заруриятини кун тартибига қўйди. Хусусан, сиёсий суверенитетини қўлга киритган давлатларнинг миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва умуминсоний манфаатлар билан уйғунлаштириш борасидаги сиёсати мустабид тузумдан мерос бўлиб қолган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий вазият оқибатларини бартараф қилиш имкониятларини қидириб топишга йўналтирилиши керак.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг аждодларимиз томонидан минг йиллар давомида миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш соҳасида яратилган бой маданий меросни тиклаш ва ривожланти-

ришга давлат сиёсати даражасида муносабатда бўлмоқда. Хусусан, бу йўналишда толерантлик тамойили устуворлигини таъминлаш – барқарор тараққиёт омилига айланмоқда.

Ўзбек халқининг азалдан миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштирувчи бой маънавий-маданий мероси жаҳон халқларини ҳайратга солмоқда. Бу ҳақда президентимиз Ш.Мирзиёев «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусидаги анжуманда “...бизнинг давлатимиз кўп миллатли ва кўп конфессияли давлат. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда. Бу борада, ҳеч шубҳасиз, халқимизга азалдан хос бўлган бағрикенглик анъаналари муҳим роль ўйнамоқда”¹ - деб, таъкидлади.

Мустақиллик – ижтимоий, иқтисодий, сиёсий омилар ёрдамида миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш масаласида, кенг кўламдаги муаммоларни барҳам топтириб, глобал миқёсда барқарор тараққиёт учун зарур, ҳаётий муҳит яратиш имконини беради. Зеро, жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида: маҳаллий, миллий, минтақавий даражаларда турли манфаатлар билан боғлиқ зиддиятларнинг кучайиши, глобал ўзгаришининг салбий оқибатлари эскалацияси таҳдиди дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда.

Замонавий глобал муаммоларни ижтимоий макон, тарихий замон нуқтаи назаридан: келиб чиқиш генезиси, ривожланиш қонуниятлари, мавжудлик ҳолати, эскалацияси характери, оқибати кўлами, бартараф қилиш усул-воситалари ва истиқболларини белгилашда детерминлаштирувчи сабаблар тизими, инсон омили ролининг устуворлашиб бориш (эҳтиёжларининг динамик ўсиш) қонуни контекстида таҳлил қилиш, глобал муаммоларни нисбатан мустақил, лекин ўзаро боғлиқ қуйидаги гуруҳларга ажратишга назарий-методологик асос бўлиши мумкин, яъни:

биринчи гуруҳи – инсоният жамияти тарихида турли ижтимоий-демографик гуруҳлар, социал қатламлар, миллатлар, давлатлар, сиёсий институтлар, конфессияларнинг ижтимоий муносабатлари тизимида, муайян манфаатлар доминантлигини мутлақлаштириш натижасида, вужудга келган ва глобаллашган интерсоциал муаммолар;

иккинчи гуруҳи – “табиат-жамият-шахс” тизимида жамият ва шахс моддий эҳтиёжларини қондириш, утилитар-меркантил манфаатларини мутлақлаштириш натижасида вужудга келган антропотехноген глобал муаммолардир. Чунки табиатни табиат учун муҳофаза қилиш керак эмас, балки инсон учун, унинг авлодлари учун муҳофаза қилинади;

учинчи гуруҳи – табиатнинг эволюцион ривожланиши жараёнида, объектив равишда, биосфера экологик мувозанатида вужудга келадиган ўзгаришлар (хусусан, табиий ҳалокатлар) билан боғлиқ.

¹Мирзиёев Ш.М. «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби» мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи// Халқ сўзи, 15.06.2017.

Бугунги кунда, жаҳонда кечаётган: ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий, ғоявий-мафкуравий муносабатларда интеграциялашув, универсаллашув жараёнлари глобал толерантлик қадриятини шакллантириб, уни миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришда муҳим омилга айлантирмоқда. Яъни XX аср ўрталаридан бошлаб, халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнларнинг: миллий (локал), ҳудудий (регионал), глобал – “геоментал хусусиятлари” интеграциялашиб, умуминсоний универсал манфаатларни шакллантирувчи маънавий-ахлоқий тамойиллар, ижтимоий нормалар, ҳуқуқий мезонлар тизими шаклланмоқда.

Халқаро ҳамжамиятнинг этник муносабатларида: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, конфессионал зиддиятлар глобаллашуви олдини олиш, салбий оқибатларини бартараф қилишнинг толерантлик тамойилига асосланиши, миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш заруриятидан келиб чиқади. Бунинг иккита муҳим шарти бор, яъни: биринчиси – ўзини-ўзи сақлаб қолиш ва ривожланишга интиладиган онгли индивидларнинг ижтимоий муносабатлари тизимидан ташкил топган жамият бўлиши; иккинчиси – инсониятнинг ҳаёт тарзини ташкиллаштиришга мутасадди институционал тизими ва уларнинг интегрatív фаолияти зарур.

Бу шартларнинг ўзаро тақозоланган (корреляцион) бирлиги толерантлик тамойилини амалга ошириш самарадорлигини таъминлайди ва унинг олий ва мангу маънавий қадрият мақомини мустаҳкамлайди. Чунки толерантлик, барча соҳа ва даражалардаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар барқарор ривожланишида миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш омилгина бўлиб қолмай, балки конкрет инсон ва жамият ривожланишининг умуминсоний мақсадларига, замонавий цивилизация талабларига мувофиқлик мезони ҳисобланади.

Толерантлик тамойилининг миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш функцияси самарадорлиги, унга мазмунан ёндош ва тамойил мақомига эга бўлган: “ўзаро муроса”, “халқаро ҳамкорлик”, “ижтимоий шерикчилик” каби ҳодисалар билан интегрatív алоқаларига боғлиқдир. Зеро, бу тушунчалар мазмуни мустақилликка эришган халқларнинг: этнодемография таркиби, иқтисодий аҳволи, сиёсий позицияси, ижтимоий мавқеи, конфессионал мансублигидан қатъий назар миллий ўзлигини англаши, жамият аъзолари ўртасидаги бирлик, боғлиқлик, алоқадорликни (мақсад ва манфаатлар умумийлигини) ифодалайди.

Миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш орқали глобал муаммолар ечимида толерантликнинг аҳамияти, халқаро муносабатларни ўзаро муросага келтириб, ҳамкорлик ва ижтимоий шерикчиликни маънавий-ахлоқий таъминлашида намоён бўлади. Зеро, улар фақат толерантлик тамойилига асосланиши билангина, миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириб, глобал муаммолар ечимида самарали роль ўйнаши мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш жараёнида миллий манфаатларнинг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари**» деб аталган, унда Ўзбекистонда миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг ўзига хос модели, унинг демократик, гуманистик моҳияти ҳамда

мамлакатимизда манфаатлар интеграцияси ва глобаллашуви шароитида миллий манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонуний-ҳуқуқий асослари тадқиқ қилинган.

Ўзбекистонда миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг миллий моделининг демократик-гуманистик моҳияти, кишиларнинг кундалик ҳаётий муаммоларини ҳал қилиш, уларнинг ақлу идрокани, билимини, амалиётини аниқ – мақсадларга, вазифаларга йўналтирилган манфаатлар мотивларини конкретлаштиради. Зеро, ижтимоий тараққиёт моделлари билан манфаат феномени ўртасидаги диалектик боғлиқлик – жамиятда қарор топган: адолат, тенглик, эркинлик каби демократик-гуманистик қадриятларда акс этади ва манфаатларни регламентлаштирувчи ҳуқуқий-қонуний меъёрларга, маънавий-ахлоқий нормаларга асосланади.

Мустақиллик йилларида, Ўзбекистон Республикаси ўзига хос миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришнинг миллий қонунчилик асосларини яратишга ва қатор халқаро ҳуқуқий нормаларни имплементация қилишга муваффақ бўлди. Миллий манфаатларни ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган амалдаги қонун ҳужжатлари халқаро ҳуқуқ нормаларига, демократик-гуманистик тамойилларга асосланиши мамлакатимизнинг халқаро доирада мавқеини оширишга кенг имконият яратди.

Фуқаролик жамиятида миллий ва умуминсоний манфаатлар уйғунлашуви, бир томондан, тарихий тараққиётнинг объектив қонунияти бўлиб, ҳар қандай давлатнинг барқарор тараққиёти ва адолатли-демократик давлат қуриш эҳтиёжларидан келиб чиқади ва унинг истиқболларини белгилайди. Иккинчи томондан, ҳозирги даврда халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик ва бошқа муносабатларни глобал бошқариш жараёнида миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш умуминсоният цивилизациясининг барқарор ривожланиш тенденцияларига ва стратегик мақсадларига мос келади.

Шунга кўра, республикамиз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ, миллий манфаатларни муҳофаза қилиш, уларни умуминсоний манфаатлар билан уйғунлаштириш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш масаласи, давлат сиёсати марказига қўйилди. Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ тажрибалари ўрганилиб, ижодий фойдаланишга асосланган тараққиётнинг тарихий “Ўзбек модели” ва ҳозирги “Ҳаракатлар стратегияси” миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш тизимининг барпо этилишига, ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти қурилишига асос бўлмоқда.

Миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва умуминсоний манфаатларга уйғунлаштиришнинг ҳуқуқий-соционорматив асослари шаклланиши – кишиларнинг ҳаётий муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган маънавий-ахлоқий нормаларига ва ижтимоий мезонларига ва талабларига адекватдир, яъни мос тушади. Давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришда: идентификациялаштирувчи асослари, функционал интеграциялашиш натижалари, миллий муносабатлардаги зиддиятларни истисно қилмайди, балки ўзига хос тарзда намоён бўлади.

“2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да бу кўрсатилган йўналишлар давлат сиёсатининг масаласага комплекс-системали ёндашишида намоён бўлган. Жумладан, бевосита тадқиқот мавзусига алоқадор бўлган «Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш» деб номланган бешинчи йўналиш доирасида, республиканинг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доир ташкилий асосларни кўрамиз¹.

Агар “Ҳаракатлар стратегияси”нинг ҳар бир устувор йўналишида қўйилган конкрет вазифаларни, диссертация мавзуси доирасида таҳлил қиладиган бўлсак, миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш масаласида ҳам, унинг амалий аҳамияти намоён бўлади.

Мазкур “Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилингандан кейин, ҳар бир жисмоний ва юридик шахс манфаатлари ҳимоя қилиш жараёнида пайдо бўладиган муаммолар ечимига давлатнинг масъуллиги оширилди. Яъни, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида таъкидлаганидек: “халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”лиги² белгиланди. Лекин, мамлакатда миллий ва халқаро миқёсда умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришга доир қонунларнинг самарали ишлаши, фуқаролар ҳуқуқий онги ва маданияти ривожланиш даражасига боғлиқ бўлиб, бугунги кунда ушбу масалани ҳал қилиш долзарб ташкилий вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ҳозирги даврда глобал цивилизацияни сақлаб қолишнинг муҳим омили сайёрамиз миқёсида барқарорликни таъминловчи манфаатлар интеграцияси, деб ҳисоблайди ва ички ҳамда ташқи сиёсатида ана шу тамойилга асосланади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, «XXI аср, шубҳасиз, халқаро муносабатларда бутун дунё қамраб олинадиган аср бўлади. Бундай шароитда интеграция жараёнини фақат тарих тақозоси деб эмас, балки айрим минтақалар кўламида ҳам, бутун сайёрамиз кўламида ҳам, барқарорликнинг кудратли омили деб ҳисобламоқ керак»³, деган фикри бевосита манфаатлар уйғунлашувига ҳам тааллуқлидир.

Ўзбекистонда ҳам мустақилликка эришгандан кейин барқарор ривожланишга эришиш учун ижтимоий-иқтисодий ҳаётни тезлик билан қайта ислоҳ қилиш зарурияти, давлат сиёсати даражасида, долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилди. Натижада, республикамизда қонунчилик ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда такомиллаштиришга

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. - Тошкент: Адолат,2017.

²Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи.//Халқ сўзи, 2016 йил, 5 декабрь.

³Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон, 1997, –Б.298.

қаратилган кенг миқёсдаги дастурлар қабул қилиниб, уларни амалга ошириш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Миллий хавфсизлик” ва “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш” Концепцияларида ҳамда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг “Ҳаракатлар Стратегияси”да белгиланган миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш: шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий зарур ижтимоий эҳтиёжларидан келиб чиқишини эътиборга олиб, қуйидаги вазифаларга устувор аҳамият бериш зарур, яъни:

шахснинг миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш фаолияти учун зарур ижтимоий, иқтисодий, сиёсий оптимал муҳит, демократик-ҳуқуқий макон яратиш;

жамиятнинг миллий ва умуминсоний манфаатларини уйғунлаштиришга мутасадди фуқаролик институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, жисмоний ва баркамол авлодни шакллантириш;

давлатнинг ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий ривожланишини барқарорлаштириш ҳамда миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришда бош ислохотчилик ролини янада кучайтириш;

Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал хавфсизлик тизимига интеграциялашиш ва халқаро ҳамкорлигини таъминлаш сиёсатида миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш имкониятларидан фойдаланиш;

миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришга мутасадди давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ва халқ дипломатияси тажрибаларидан фойдаланиш;

миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришда толерантликнинг ўрнини ошириш масаласида жаҳон мамлакатлари ютуқларини ижодий умумлаштириб, амалиётга татбиқ қилиш кабилар.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзбекистоннинг халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатларда миллий манфаатларини муҳофаза қилиш вазифалари”** деб номланган.

Ушбу бобнинг биринчи қисмида халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатларда миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришда толерантликнинг ролини ошириш имкониятлари атрофлича ёритилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътиборини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ташқи сиёсати стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилди. Бу ҳақда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов “Бунёдкорлик йўлидан” номли асарида: “Ўзбекистон ташқи сиёсатда ўз йўлига ва залворли сўзига эга. Ташқи сиёсатдаги энг асосий мезонимиз, энг аввало, миллий давлатимиз манфаатларини кўзлаб, уларни барча имкониятлар билан ҳимоя этган ҳолда иш юритишдан иборат”¹.

Маълумки, дунё мамлакатларининг қўпчилиги полиэтник таркибга эга бўлиб, этник хилма-хиллик мавжуд давлатларда миллий манфаатларни уй-

¹Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан.: Тошкент «Ўзбекистон» 1996,–Б. 8.

ғунлаштириш: 1) миллатлар ўртасидаги турли зиддиятларни бартараф қилувчи кучларни “толерантлаштирувчи потенциал имкониятлардан” фойдаланиб, уларни мурасага келтириш вазифасини бажаради; 2) мамлакатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий барқарор тараққиёти, миллий манфаатларни уйғунлаштириш учун асос яратади; 3) демократик ва гуманистик миллий манфаатлар халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатларда давлатларнинг манфаатлари уйғунлашув йўналишларини белгилайди; 4) миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш учун, унинг иерархиясини аниқлаб, устувор йўналишларини белгилашни тақозо қилади; 5) глобал манфаатларни ҳимоя қилишнинг ижтимоий-сиёсий потенциали ва усул-воситалари цивилизация келажагини сақлаб қолиш мақсадига адекват бўлиши шарт.

Миллий манфаатларни нисбатан туғун, ўзгармас (доимий) ва динамик ўзгарувчи (вақтинча) турларга ажратиб ўрганиш, муҳим назарий-методологик аҳамиятга эга. Айниқса, миллий манфаатларнинг бу хусусиятлари, давлат (қолаверса, умуминсоний) манфаатлари хавфсизлиги стратегияси ва тактикасини аниқлашда, уларни амалга ошириш воситаларини танлашда, самарали усуллари кўллашда ёрдам беради.

Ўзгарувчан миллий манфаатлар, ижтимоий макон хусусиятлари ва тарихий замон вазиятига қараб: шаклланган миллий урф-одатларга, анъаналарга, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар ривожланиш тенденцияларига адекват бўлади. Лекин, муайян давлат ривожланишига мос халқаро: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий муносабатлар ўзгариши натижасида, унинг манфаатларни ҳимоя қилиш воситалари ҳам, сиёсий механизмлари ҳам, “технологияси” ҳам ўзгаради.

Миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш асосида хавфсизликни таъминлаш, глобал даражада юзага келган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳалардаги зиддиятларни бартараф қилиш учун зарур молиявий, моддий-техник, интеллектуал ресурсларни талаб қилади. Лекин бу имкониятларнинг чекланганлиги, миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришда, уларни компенсацияловчи толерантлик тамойилини ҳал қилувчи субъектив омилга айлантирмоқда. Муаммо тадқиқотида комплекс-системали, структуравий-функционал ёндашилиши натижасида, диссертациянинг юқори илмий-назарий концептуаллик даражаси, амалий фундаменталлик аҳамияти таъминланган.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфида миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришнинг глобал хавфсизлик ҳамда барқарор тараққиётни таъминлаш имкониятлари ва стратегик вазифалари таҳлил қилинган. Глобал хавфсизлик ва барқарор тараққиётнинг миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш билан боғлиқлигини, корреляцион алоқадорлигини аниқлаш муҳим назарий-методологик аҳамиятга эга. Бунда, глобал хавфсизлик ва барқарор тараққиётнинг мазмунига, таъсир доирасига кўра: маҳаллий, миллий, минтақавий, глобал ёки халқаро даражаларга ажратиб, фалсафанинг алоҳидалик, махсуслик, умумийлик категорияси нуқтаи назардан таҳлил қилиш, уларнинг ривожланиш тенденциясини аниқлашга хизмат қилади.

Бунинг учун уларнинг дефинициясини, функционал аҳамиятига кўра конкретлаштириш зарур. Яъни, миллий хавфсизлик – муайян мамлакатнинг миллий қадриятлари, манфаатлари, турмуш тарзига, умуман суверен ривожланишига нисбатан реал ташқи ёки ички хатарлар мавжуд бўлмаган ёки йўқ қилинган ҳолати; минтақавий хавфсизлик – муайян ҳудуддаги давлат ва халқларга агрессия ёки бошқа антропотехноген таҳдидлар мавжуд бўлмаган барқарор вазиятни; глобал ёки халқаро хавфсизлик эса, халқаро муносабатлар жараёнида турли низолар, зиддиятлар ва бошқа таҳдидларнинг олди олинган ҳолатларни ифодалаш учун қўлланилади деб фикр юритилган.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш даражаси, сиёсий мавқеи, этнодемографик таркиби, конфессионал структураси халқаро муносабатларни толерантлик тамойилини ривожлантиришнинг универсал модели сифатида эътироф қилинмоқда. Юртимизда глобал хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга доир халқаро ҳуқуқий нормалар имплементацияси, шартномаларга, Конвенцияларга қўшилиши миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш, толерантлик тамойили устуворлигини кўрсатади.

Миллий манфаатлар уйғунлигини таъминлашга доир халқаро ҳуқуқий нормаларнинг универсаллиги ва умуминсоний характери, шу соҳада давлатлар миллий сиёсатини унификациялаштириш имкониятларини реаллаштириб, уларни амалиётга жорий қилишнинг механизмидир. Миллий манфаатларни ўзаро интеграциялашиш имкониятлари, давлатларнинг геосиёсий мақоми ва мавқеини белгилайдиган объектив шарт-шароитлар, субъектив омиллар билан корреляцион алоқадорликка эга. Бу халқаро муносабатларда хавфсизликни таъминлаш зарурати билан изоҳланади.

Давлатларнинг минтақавий ҳамда халқаро доирада манфаатлар интеграцияси ва барқарорлиги: миллатлараро, динлараро, конфессионал ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий муносабатларни илмий ташкиллаштириш, демократик бошқариш ва адолатли назорат қилиш тизимига боғлиқ.

ХУЛОСА

Диссертацияда халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатлар глобаллашиб ва тобора кескинлашиб бораётгани таъкидланади. Бундай шароитда Ўзбекистонда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва умуминсоний манфаатлар билан уйғунлаштириш давлат сиёсатини янада такомиллаштириш талаб қилинади. Шунинг учун ҳисобга олиб Президент Шавкат Мирзиёев ўз Мурожаатномасида бундай деди: “Барчамизга аёнки, жаҳонда кескин иқтисодий рақобат, ахборот хуружлари, террористик таҳдидлар тобора кучайиб бормоқда. Дунёнинг турли жойларида, айниқса, Яқин Шарқ минтақасида қонли тўқнашув ва низолар давом этмоқда. Минг афсуски, бундай нотинч кескинлик ўчоқлари камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда. Ана шундай таҳликали вазиятни ҳисобга олган ҳолда, биз юртимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, турли хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича фаолиятимизни ҳар томонлама кучайтиришимиз шарт. Бу – замон талаби”¹.

Биринчидан, ҳозирги кунда инсоният учун жиддий хавф туғдираётган глобал муаммолар ечимида миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришда толерантлик тамойили алоҳида аҳамият касб этмоқда. Таҳликали вазият вужудга келган ва глобаллашув хавфсизлик муаммосини миллий ва минтақавий доирадан чиқариб, инсониятнинг умумий муаммосига айлантирган бир шароитда “миллий манфаат” категориясини ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳодисалар контекстида таҳлил қилиб, парадигмал ўзгаришларини аниқлаш долзарб вазифа бўлиб бормоқда.

Иккинчидан, Республикаимизнинг миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришга доир конституцион қонунчилигида – тараққиётнинг “Ўзбек модели” тамойилларига, 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”га мос давлат сиёсати вазифалари белгилаб берилган. Миллий қонунчиликнинг демократик ва гуманистик аҳамияти – маҳаллий, миллий, ҳудудий ва глобал манфаатларни уйғунлаштирувчи барқарор тараққиётнинг субстанциявий-имманент асоси бўлиб, унинг истиқболларини таъминлаш ва кафолатлаш функциясида намоён бўлади.

Учинчидан, глобаллашув шароитида миллий манфаатлар муҳофазаси ва уларни умуминсоний манфаатлар билан уйғунлаштиришнинг миллий модели миллатлараро муносабатларни оптимал ташкил этишга, рационал бошқаришга ҳамда ижтимоий назорат қилишни функционал интеграциялаштиришга боғлиқ бўлади. 2012 йили қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси” миллий манфаатларни ҳимоя қилишга, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва суверинитетини сақлашга қаратилган стратегик вазифаларни амалга ошириш ва барқарор ривожланишга асос бўлди.

Тўртинчидан, халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатларда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини муҳофаза қилиш салоҳияти, миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришга доир халқаро ҳуқуқий нормалардаги барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикасига мос келади. Зотан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – “Халқ сўзи” 2017 йил 23 декабрь.

ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг динамик функционал ўзгаришларига мос тарзда миллий манфаатларни уйғунлаштиришнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий маконни шакллантирувчи умуминсоний соционорматив ҳуқуқий меъёрларни ҳаётга жорий этиш тизими яратилган.

Бешинчидан, Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал хавфсизлик тизимига интеграциялашиш флуктуация ва бифуркация жараёни диалектикаси унинг миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш динамикасини, йўналишларини белгилайди. Миллий манфаатлар уйғунлиги умуминсоний қадрият бўлиб, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароитини яратиш, адолат мезонлари асосида ҳимоя қилиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, тарихий меросни ижодий ривожлантиришга хизмат қилади.

Олтинчидан, давлатлараро, халқаро муносабатларидаги объективлик ва субъективликнинг бир-бирини тақозо қилиши, уларнинг манфаатларни ҳимоя қилиш потенциал имкониятларида намоён бўлади. Халқаро муносабатларда миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш ва умуминсоний манфаатлар билан уйғунлаштиришга мутасадди институтларни ташкил этиш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Еттинчидан, Ўзбекистоннинг охиригича икки йилда халқаро иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларни ривожлантириш тажрибаси бутун дунё, шу жумладан, Марказий Осиё давлатлари учун стандартлашган модел бўлиб хизмат қилиши мумкин. Юртимизнинг халқаро майдондаги мавқеи, унинг минтақадаги стратегик ўрни Марказий Осиёда ва глобал миқёсда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашдаги ролининг ортиб бориши билан чамбарчас боғлиқ.

Саққизинчидан, Ўзбекистоннинг халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларда миллий манфаатларини муҳофаза қилиш ва барқарор тараққиётни таъминлаш имкониятлари, нисбатан турғун умуминсоний манфаатларга, динамик ўзгарувчан миллий манфаатларни уйғунлаштириш стратегияси ва тактикаси мукамаллигига боғлиқ. Ҳар қандай миллий ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабат йўналишларининг манфаатларга кўра конкретлашуви ва функционал аҳамияти умуминсоний манфаатларига уйғунлашувида намоён бўлади.

Тўққизинчидан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистонни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» (2010 йил 12 ноябрь)нинг мантикий давоми бўлиб, унда кўрсатилган стратегик вазифалар миллий хавфсизлик ва барқарор тараққиёт истиқболлари контекстида ривожлантирилиб, халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Дарҳақиқат, “Ҳаракатлар стратегияси” жамият умумий ривожланиш қонуниятларини, ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг демократик характерини, гуманистик моҳиятини конкретлаштириб, мамлакатимиз миллий манфаатларни уйғунлаштириш, суверенитетини ҳимоя қилиш, хавфсизлиги ва

инновацион таракқиёт йўналишларини аниқлаш, конструктив усул ҳамда во-
ситаларини, рационал механизмларини белгилаб берганлиги билан муҳим на-
зарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc.27.06.2017.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ДОКТОРА НАУК ПО ФИЛОСОФИИ (DSc) И
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

КАБУЛОВ КАСЫМБАЙ ПИРДЖАНОВИЧ

**ТОЛЕРАНТНОСТЬ В ГАРМОНИЗАЦИИ НАЦИОНАЛЬНЫХ
ИНТЕРЕСОВ**

09.00.04 – Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)**

Самарканд– 2018

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2017.3.PhD/Fal.110

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) вложен в веб-сайт Ученого совета samdu.uz а также в информационно-ресурсный портал “ZiyoNet” www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель:	Хаджиева Максуда Султановна доктор философских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Сафарова Нигора Олимовна доктор философских наук, профессор Норкулов Дўсмурод Тошпулатович доктор философских наук, профессор
Ведущая организация:	Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета №DSc.27.06.2017.F.02.02 по присуждению ученых степеней доктора наук по философии (DSc) и доктора философии (PhD) при Самаркандском государственном университете в ___ часов «___» _____ 2018 года (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетская аллея, 15. Тел.: (8366) 235-19-38; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24; e-mail: rector@samdu.uz Исторический факультет Самаркандского государственного университета, 1-этаж, конференц-зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под № ____). Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетская аллея, 15. Тел.: (8366) 235-19-38; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018г.
(Протокол № ___ от «___» _____ 2018г.)

Б. О. Тураев

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.филол.н., профессор

А.Р.Самадов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.филол.н., доцент

Ш.С.Кушаков

Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней, д.филол.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На современном этапе мирового прогресса интенсификация процессов глобализации, интеграции, универсализации оказывает серьезное воздействие и на духовно-культурные отношения. В том числе они коренным образом меняют содержание, ценностные ориентации, парадигмы этих отношений, связанные с национальными потребностями и интересами. Эти изменения на основе обобщения положительного опыта обеспечения общечеловеческих интересов ставят на повестку дня актуальную проблему гармонизации национальных и общечеловеческих интересов, а также их развитие на новом уровне.

В развитии мировой науки вопрос гармонизации национальных и общечеловеческих интересов на основе принципа толерантности исследуется как важнейшая прагматическая проблема для социальных наук. Изучение принципов взаимного доверия, компромисса, толерантности в контексте социальных наук и альтернативных методов исследования с использованием существующего опыта в глобальной науке определяют круг объекта и предмета социально-политических и гуманитарных наук, а также условия и возможности их развития. Действительно, объективная и историческая необходимость глобального устойчивого развития требуют устранения проблем, связанных с гармонизацией национальных и общечеловеческих интересов и совершенствование их научных основ.

Конституция Республики Узбекистан создает правовую основу для развития системы объективных условий и субъективных факторов защиты интересов каждой нации и народности. На новом этапе развития страны национальные интересы сочетаются с общечеловеческими интересами, укрепление межличностного, межэтнического и межконфессионального согласия являются условием регионального мира и глобального устойчивого развития¹, методологические и практические аспекты поиска и реализация новых возможностей для гармонизации национальных интересов являются важной задачей.

Диссертация будет служить выполнению задач, выдвинутых в Указе Президента Республики Узбекистан УП-№4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, Указе “О мерах по дальнейшему совершенствованию межнациональных отношений и дружественных связей с зарубежными странами” от 19 мая 2017 года, Постановлении Кабинета Министров №47 “Об утверждении нормативно-правовых актов об охране нематериального культурного наследия” (23 февраля 2011г.), а также других нормативно-правовых актах, связанных с темой исследования.

Соответствие темы исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике. Данное диссертационное

¹ Указ Президента Республики Узбекистан. О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. /официальное издание/ Министерство Юстиции Республики Узбекистан. - Ташкент: Адолат, 2017.

исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень разработанности проблемы. Исследование вопросов защиты и гармонизации национальных интересов как социального феномена, особенно проблем утверждения принципов взаимного консенсуса и толерантности в полиэтнических обществах уже давно привлекает к себе внимание мировой научной общественности.

